

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ ҚАРОРИ

2020 йил 9 сентябрь

№ 239

БАРЧА ДАРАЖАДАГИ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ БИТИРУВЧИ ЁШЛАРИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА КАСБ-ҲУНАРГА ЎРГАТИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан ёшлар масаласига — давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётганлиги, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ташаббускор, шижоатли ёшларни тарбиялаш бўйича алоҳида тизим яратилганлиги ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Бу борада, ёшлар бандлигини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган "Йўл харитаси" ҳамда "Манзилли режа"га мувофиқ ўтган вақт мобайнида 18 та йўналишда 40 миңдан ортиқ ёшларнинг бандлиги таъминланди.

Ўз бизнесини бошлаш истагидаги ёшларга қўмақлаштириш мақсадида Фарғона таълим ва касб-ҳунарга ўргатиш маркази "Ўз фаолиятини бошлади. Иқтидорли ёшлар томонидан қисқа вақт давомида 50 дан ортиқ лойиҳавий тақлифлар ишлаб чиқилиб, ёш тадбиркорларга тақдим этилди.

Фарғона шаҳридаги Корей халқаро университети базасида ёшлар учун "Бизнес акселератор" фаолияти йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларни ҳунармандчиликка ўргатиш мақсадида Марғилон таълим маркази асосида вилоятнинг 13 та туман (шаҳар)ларида "Ҳунармандлар маркази" ташкил этиш ишлари бошланди.

Ёшлар бандлигини таъминлаш ва касб-ҳунарга ўргатиш самарадорлигини ошириш, ёшлар билан ишлаш бўйича янги иш тизими ва услубини жорий этиш мақсадида, шунингдек, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуннинг 6, 25-моддаларига мувофиқ

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Барча даражадаги таълим муассасаларининг битирувчи ёшлари бандлигини таъминлаш ва касб-ҳунарга ўргатиш ишларини ташкил этиш бўйича вилоят Ишчи гуруҳи таркиби 1-иловага, шаҳар ва туман ҳокимликларининг намунавий ишчи гуруҳи таркиби 2-иловага; битирувчилар ва ишсиз ёшлар бандлигини таъминлаш ҳамда уларни касб-ҳунарга ўргатиш бўйича прогноз кўрсаткичлари 3-иловага;

2. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Ф.Қосимов, С.Аминжонов тегишли масъуллар, шаҳар ва туман ҳокимликлари билан биргаликда уч кун муддатда: ёшлар бандлигини таъминлаш ва касб-ҳунарга ўргатиш бўйича "ёшлар дафтари"ни шакллантириш;

қарорнинг 3-иловасига асосан барча даражадаги битирувчиларнинг ҳамда вақтинча ишсиз ёшларнинг манзилли рўйхатини вилоят ҳокимлиги комплекслари бўйича тақсиротишни ишлаб чиқсин ва етказилишини таъминласин.

3. Вилоят ҳокимининг ўринбосари Ф.Қосимов Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш бошқармаси, Халқ таълими бошқармаси, Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармаси ва олий таълим муассасалари раҳбарлари билан биргаликда бир ҳафта муддатда барча битирувчиларнинг доимий янгилаб бориладиган "Битирувчи" ягона электрон дастурини ишлаб чиқсин ва амалиётга жорий этсин.

4. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари М.Убайдуллаев, Д.Ходжихмедов, Х.Умаров, Ф.Қосимов, С.Аминжонов ҳамда уларнинг комплекслари таркибига кирувчи бошқармалар, ташкилотлар ва туман (шаҳар) ҳокимликларига қарорнинг 3-бандига асосан ишлаб чиқилмаган тақсирот асосида таълимнинг кейинги босқичига қамраб олинмаган битирувчилар ва ишсиз ёшларнинг уч ой муддатда бандлигини таъминлаш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

5. Вилоят Ишчи гуруҳи (Убайдуллаев, Қосимов)га шаҳар ва туман ишчи гуруҳлари фаолиятини ташкил этиш, улар фаолияти самарадорлигини назорат қилиш, вилоят Ишчи гуруҳига тақдим этилган маълумотларни мувофиқлаштириш, амалга оширилган ишларнинг ҳаққонийлигини ўрганиб бориш, ҳар ҳафтанинг жума кунига вилоят ҳокимига батафсил ахборот киритиш топширилсин.

6. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари М.Убайдуллаев, Марказий банк бош бошқармаси, Бандлик бош бошқармаси, Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармаси, туман (шаҳар) 4 та сектор раҳбарлари билан биргаликда: "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастури доирасида ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича имтиёзли кредит маблағларини ўз мuddатларида ажратилишини таъминлаш ва мониторингини олиб бориш;

"Ёшлар — келажагимиз" жамғармаси маблағлари ҳисобидан жорий йил 1 ноябрда қадар 362 та лойиҳаларни молиялаштириш; тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагида бўлган ёшлар учун кредит ажратиш жараёнини соддалаштириш, бино ва иншоотларни адолат мезонлари асосида ажратиш, техника ва технологияларни эркин топа олиш имкониятларини яратиш;

беш кун муддатда ёшларни касб-ҳунарга ўргатиш, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш мақсадида Халқ банки томонидан қорвачилик, «Ипотека банк» томонидан баликчилик, «Микрокредитбанк» томонидан кўенчилик, «Алоқабанк» томонидан асарчилик, «Турон» банк томонидан иссиқхона ва лимончилик бўйича "Тажриба мактаби" ўқув марказларини ташкил этиш;

беш кун муддатда "Стартап ташаббуслари" дастури орқали ёшларни "онлайн" ва "офлайн" семинарлар, маҳорат дарслари ҳамда маслаҳат-тренингларга жалб қилиш; ҳар йили қабул қилинадиган янги иш ўринлари дастури доирасида ёшлар бандлигини таъминлаш бўйича прогноз параметрларини алоҳида қайд этиш;

ёшларнинг ўзини-ўзи банд қилишини рағбатлантириш, улар билан тадбиркорлик қилишга, инновацион лойиҳаларни амалга оширишига руҳлантирувчи учрашувларни ташкил этиш;

хорижий мамлакатларга меҳнат қилиш учун кетиш истагида бўлган ёшларга "Ўзбекистоннинг инсон капитали, мамлакат-

ни ривожлантирувчи куч!" сифатида қараш, уларга хорижий тиллар, мутахассислик ва касб сирларини ўргатиш чораларини кўрсин.

7. Вилоят ҳокимининг ўринбосари Ф.Қосимов, С.Аминжонов Халқ таълими бошқармаси, Бандлик бош бошқармаси, Олий таълим муассасалари раҳбарлари ва тегишли масъуллар билан биргаликда ёшлар билан ишлаш бўйича бир ой муддатда қуйидаги янгича тизимни жорий этиш: олий ва профессионал таълимга қамраб олинмаган ёшларни иш билан таъминлаш; ёшларни касбга ўргатиш орқали уларнинг бандлигини таъминлаш;

ёшлар ўртасида фрилансерлик фаолиятини кенг ривожлантириш, IT парклар имкониятидан самарали фойдаланиш орқали уларга замонавий, юқори технологияларга асосланган касбларни ўргатиш;

мактабнинг юқори синфларидаюқ касбга ўргатиш тизимини жорий этиш; туман (шаҳар)ларда 5 та муҳим ташаббус бўйича тизимли ишларнинг амалга оширилишини таъминлаш.

8. Вилоят ҳокимининг ўринбосари Д.Ходжихмедов комплекс таркибига кирувчи бошқарма ва ташкилотлар, туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда "Ёшлар курилиш отрядлари"ни ташкил этиш орқали вилоятда олиб борилаётган курилиш ишларига вақтинча ишсиз ёшларни кенг жалб қилиш чораларини кўрсин.

9. Вилоят ҳокими ўринбосари Х.Умаров, Қишлоқ хўжалиги бошқармаси, Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда: фойдаланилмаётган ерларни ўзлаштириш ва уларни қишлоқ хўжалиги экинларини экиш учун ажратиш орқали 11,3 миң нафар ёшларнинг бандлигини таъминласин;

ёшларни деҳқон хўжаликлари ва томорқа ерларида банд қилиш, уларнинг даромад топиши учун қўлай шарт-шароитлар яратиш, деҳқончиликни яхши тушунадиган ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларга бир гектардан ер майдонлари ажратиб бериш ишларини тизимли ташкил этиш.

10. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари М.Убайдуллаев, Ф.Қосимов, С.Аминжонов, Д.Ходжихмедов, Х.Умаров тегишли бошқармалар ташкилотлар билан биргаликда:

вилоятдаги йирик корхоналар фаолиятини кенгайтириш, модернизация қилиш орқали яратилаётган янги иш ўринларига биринчи навбатда битирувчиларни ва вақтинча ишсиз ёшларни ишга жойлаштириш чораларини кўрсин;

бир ҳафта муддатда энг кўп битирувчилар ва ишсиз ёшларнинг бандлигини таъминлашда фаол иштирок этган тадбиркорлик субъектларини ҳар ой яқини билан рағбатлантириш механизминини ишлаб чиқсин ва амалиётга жорий этсин;

ҳар чоракда бир маротаба ёшларнинг бизнес ташаббуслари, фойдалари ва лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга қаратилган лойиҳалар танловини ўтказиб босин.

11. Бандлик бош бошқармаси, шаҳар ва туман ҳокимликлари билан биргаликда уч кун муддатда секторлар кесимида ёшлар, таълим муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлашга қаратилган махсус меҳнат ярмаркаларини ўтказиш "режа-график"ни ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

12. Барча туман (шаҳар) ҳокимлирга: уч кун муддатда ёшлар, таълим муассасалари битирувчиларнинг бандлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишларни мувофиқлаштириб борувчи туман (шаҳар) ишчи гуруҳлари фаолиятини ташкил этиш;

беш кун муддатда ёшлар, таълим муассасалари битирувчиларнинг бандлигини таъминлаш бўйича прогноз кўрсаткичларидан келиб чиқиб, "Йўл хариталари"ни ишлаб чиқиш; қарорда белгиланган вазифалар юзасидан амалга оширилган ишлар тўғрисидаги маълумотларни, асослантирилган ҳужжатлар билан бирга ҳар ҳафта яқини бўйича (ҳар жума кун) вилоят Ишчи гуруҳига тақдим этиб борилишини таъминлаш топширилсин.

13. Халқ депутатлари вилоят, туман (шаҳар) Кенгаши депутатларига ўзлари сайланган ҳудудда ёшлар бандлигини таъминлаш фаолиятини доимий ўрганиб бориш, юзага келаётган муаммоларни ҳал қилиш жараёнида фаол иштирок этиш тавсия этилсин.

14. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари М.Убайдуллаев, Ф.Қосимов ва С.Аминжоновлар зиммасига юклансин.

Кенгаш раиси, вилоят ҳокими Ш.ФАНИЕВ.



Partiya ҳаёти

Жамият тараққиёти, миллий фаровонлик ҳақида ёш авлоднинг таълим-тарбияси, замонавий билимларни чуқур эгаллаган янги кадрлар, уларнинг юксак малакаси билан боғлиқ бўлиб келган. Кекса авлод эришган ютуқларга, улар тўллаган таърибга таяниб, мамлакатнинг илмий, иқтисодий, маданий-маърифий салоҳиятини янада кўтариш ҳақида ёшлар зиммасига тушган. Шу боисдан ҳам мамлакатимизда янги замон авлодини тарбиялаш, уларнинг дунёқаролини янгиликка қадриятлар асосида шакллантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

ТАШАББУС ҲУКУМАТ ТОМОНИДАН МАЪҚУЛЛАНАПТИ

Буни бошқа сиёсий партиялар ҳам

тан олмоқда

Дарҳақиқат, тарбия бугунги кундаги энг долзарб масалалардан бири бўлиб, таълим соҳасидаги англиклар, ёш авлодини юксак маънавиятли баркамол авлод қилиб тарбиялашда ўзининг устувор вазифаларига эга. Бу борада Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси биринчилардан бўлиб ўзининг позициясини намоян этди.

Партия "Миллий тикланиш" — миллий юксалиш сари" умуммиллий ғояси асосида тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйди. Янги давр шиддати таълим-тарбия тизимида ҳам ўзининг аниқ, қатъий талабларини қўймоқда.

Бу борада партиямиз 2020-2024 йилларга мўлжалланган сайловолди дастурида ўз олдида асосий масалалардан бири сифатида қўйган таълим ва тарбия соҳасига асосий эътиборни қаратган. Айнан шу ғояларни рўёбга чиқариш ва амалга ошириш йўлида киритилган "Узлуқсиз маънавий тарбия Концепцияси" ҳукуматимизнинг тегишли қарори билан қабул қилинди. Бугунги кунда оила, мактабгача таълим ва умумий ўрта таълим мактабларида маънавий тарбияни ташкил этиш масалалари бўйича белгиланган Концепция фаолият кўрсатмоқда ва тегишли вазирликлар томонидан ижроси таъминланмоқда.

Яна бир муҳим масалалардан бири "Таълим тўғрисида"ги Қонуни қабул қилиш жараёнида партия ўзининг муҳим ғоя ва тақлифларини берди ҳамда уларни қонунда акс эттирилишига эришди.

Тарбиянинг таълим жараёнида нақадар аҳамиятли эканлиги партия ташаббуси, яъни "Миллий ва умуминсоний қадриятларни тарбиявий ҳамда таълим жараёнида акс эттирилиш" зарурати ёки "Хусусий таълим муассасаларида давлат таълим стандартларига риоя қилиш мажбурияти каби" белгиланган нормалар қонунда акс этган.

Бу тақлифнинг қўллаб-қувватланиши ва маъқулланиши осонлик билан бўлгани йўқ, албатта. Рақобатчи партиялар томонидан жуда кўп танқид ва қарши фикрлар билдирилгандан хабарингиз бор. Бу, айниқса, сайловолди дебатларида шундоқ намоён бўлган.

Ўтган қисқа вақт оралиғида "Тарбия" фани ўқитилиши юзасидан тақлифимиз ҳукумат томонидан қўллаб-қувватланди ва тақлиф асосида 2020 йил 6 июнь кунини Ўзбекистон Республикаси Вазирликлар Маҳкамасининг 422-сонли "Умумий ўрта таълим муассасаларида "Тарбия" фанини босқичма-босқич амалиётга жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди!

Шу асосда умумий ўрта таълим муассасаларида "Одобнома", "Ватан туйғуси", "Миллий истиқлол ғояси ва маънавий асослари" ҳамда

"Дунё динлари тарихи" фанларини бирлаштирган ҳолда ягона "Тарбия" фани 1-9-синфларда 2020/2021 ўқув йилидан, 10-11-синфларда эса 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб фанларга ажратилган умумий соатлар доирасида босқичма-босқич амалиётга жорий этилиши режалаштирилмоқда.

Мазкур қарор таълим-тарбия соҳасидаги сиёсатни амалга оширишда мавжуд бўлган долзарб муаммоларнинг ҳал этилишида муҳим аҳамият

Пиллачиликда — янги мавсум

Бу йил вилоятда 80 тоннадан ортиқ кузги пилла етиштирилади

Пиллачилик тармоғида амалга оширилаётган ишловлар қимматбаҳо ипак маҳсулотлари етиштиришнинг қўлимини кенгайтириш, сифатини яхшилади.



Юртимиз иқлим шароити йил давомида 3-4 марта ипак қурти парвариш имконини беради. Натيجида қайта ишлаш корхоналари тўлиқ қувватда фаолият юритиши, хорижага хом ашё эмас, балки тайёр маҳсулотлар экспортни янада ортади.

— Жорий куз мавсумида 2100 қути ипак қурти интенсив технологиялар асосида парваришланиб, 84 тонна кузги "қумуш тола" териб олинади, — дейди вилоят "Агропилла" масъулияти чекланган жамият раиси Маъсуджон Қосимов. — Бу борадаги ишлар учун 3770 нафар пудратчи пиллакорлар билан шартнома тўзилди. Етиштирилган ҳосилнинг ҳар бир килосига 25 миң сўмдан ҳақ тўланади. Бу пиллакорларнинг соҳага бўлган қизқиқшини янада кучайтирди. Такрорий пилла етиштирувчилар меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича ҳам янги тизим яратилиб, терилган ҳосилга ҳисоб-китоб тарози бошида амалга оширилади.

Мутахассислар фикрига кўра, тут барги баҳорда 20 кунда қотса, кузда бу жараён атиги бир ҳафтада рўй беради. Бу эса пилладан йил давомида ҳосил етиштиришда қўл келади.

Айни кунда вилоят пиллакорлари кузги такрорий пилла етиштириш учун ипак қуртини юқори агро-техник талабар асосида парваришлагга алоҳида эътибор қаратишган.

Ҳ.ИСЛАМОВА, ЎЗМТДП Фарғона вилоят Кенгаши раиси, вилоят Кенгаши депутати.

Расулжон КАМОЛОВ, Шерзод ҚОРАБОВ олган сурат.

«Пахта — 2020»



ҲОСИЛ САЛМОҒИ 65 ТОННАДАН ОШДИ

Фарғона туманидаги «Миндон Мирзахамдам» фермер хўжалиғида 19,5 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 32 центнердан ҳосил териб олинди. Пахта қабул пунктларига етказиб берилган ҳосил салмоғи 65 тоннадан ошди.

Фермер ҳосилдорлиқни 45 центнерга етказишни мақсад қилган. Пахтачиликнинг ўзидан 600 миллион сўм даромад олинади.

Собир ДАДАХЎЖАЕВ.

ҲАР ГЕКТАРДАН 40 ЦЕНТНЕР

Фурқат туманидаги "Рустамжон Саримсоқов" номли фермер хўжалиғи пахтакорлари ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил териб олишди. Қабул пунктларига етказиб берилган хирмон салмоғи 100 тоннадан ошди.



Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, хўжалик пахтачиликнинг ўзидан 300 миллион сўмдан ортиқ соф фойда олади.

— Далаларимизда ҳосил чўғи мўл, — дейди фермер Рустамжон Саримсоқов. — Бу гектарлар ҳосилдорлигини ошириш, меҳнатга яраша манфаат топиш имкониятини беради.

Фермер даласида йиғим-терим ишлари қизгин давом этмоқда.

Матн ва суратлар муаллифи Шерзод ҚОРАБОВ.

Балиқчилик статистик кузатувларда

Ҳукуматимиз томонидан берилаётган имтиёзлар, тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш ва кенгайтиришга қаратилган қарор ва фармонлар қабул қилинаётганлиги, жумладан, балиқчиликни ривожлантириш ҳисобига халқимизга сифатли балиқ маҳсулотлари етказиб бериш вазифалари белгилаб берилмоқда. Статистик маълумотларга асосан, вилоятимизда 2020 йилнинг 1 июль ҳолатига 405 та балиқчилик билан шугулланаётган фермер хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар ва бошқа хўжаликлар мавжуд.



Ушбу балиқчилик хўжаликлари томонидан жорий йилнинг олти ойи давомида 2500 тонна балиқ овланиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 126,2 фоизга ёки 520 тоннага ошгани эътиборлидир. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 ноябрдаги "Балиқчилик соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 4005-сонли қарорига асосан балиқчилик тармоғини жадал ривожлантириш, балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг замонавий ва инновацион услубларини жорий этган ҳолда

ҳажмларини ошириш, соҳани тартибга солиш бўйича бир қатор вазифа ва топшириқлар берилган бўлиб, статистика тизимига балиқчилик хўжаликлари рўйхатини олиб бориш, уларга амалий ёрдамлар бериш ва улар томонидан бажарилган ишлар, овланган балиқ миқдорларини давлат статистика ҳисоботлари ва кузатувларида қамраб олиш ҳамда маълумотлар шаффофлигини таъминлаш юқлатиб ўтилган. Вилоятимиз шаҳар ва туманлари бўйича балиқ овланган динамикасини 2009-2019 йиллар якунлари ҳамда 2019-2020 йил 1 июль ҳолатига қуйидаги жадвалда кўриш мумкин.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲУДУДЛАРИДА 2009-2019 ЙИЛ ЯКУНЛАРИ ВА 2019-2020 ЙИЛНИНГ 1 ИЮЛЬ ҲОЛАТИГА ОВЛАНГАН БАЛИҚ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

Овланган балиқ, тонна ҳисобида

Ҳудудлар	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2019 й. 1 июль ҳолатига*)		
												2019 й.	2020 й.	
Фарғона вилояти	479	485	1038	1844	2606	3485,1	4025	5214,1	6781,6	6430,3	25234	1979,9	2499,98	2,5
Фарғона ш.	112,1	36,4	54,9	63,7	90	97,3	91,6	298,8	113,8	273	185	24,4	27,1	462,5
Қўқон ш.	1							0,7	1,5	6,5	5			12,5
Қувасой ш.	7,1	8	7,5	18,9	22	27	30,45	41	31,9	41	84	7,9	15	210
Марғилон ш.									0,7					0
Олтиариқ		2	70,2	74,5	87	95,4	174,5	92,3	109,9	101,2	449,75	2,3	137	1124,375
Қўштепа	4	8,3	39,3	48,2	71	80,8	88,85	145,8	112,6	51,3	411,75	7,1	15,64	1029,375
Бағдод	7,9	24,5	115	127	227	323,8	411,1	594,5	836,3	763,9	4576,5	196,8	227,5	11441,25
Бувайда	5	10	94,2	175,5	229	250	377,9	365,4	383,1	250	1368,25	27,5	152	3420,625
Бешариқ	250	256	327	601	858	1078,6	1259,3	1219,9	1511,2	1785,4	4846,25	398,9	653	12115,625
Қува	3,5	10	8,5	25,8	39	61,8	66,2	37,5	81,6	368,9	1177	54	57,71	2942,5
Учкўприқ	9	44	105	207	242,7	329,6	426,1	508,4	556,3	854	523	340,5		2135
Риштон	4	20,5	35,9	64	68,2	72,6	82,4	100,8	95,9	563,5	47	50,5		1408,75
Сўх		4,6	5,3	6	7,3	7,3	8,3	8,3	6	12	1	2,63		30
Тошлоқ	31,1	32	36	42	57	70,2	90,2	95,5	222,2	255,3	1765	4,2	15,6	4412,5
Ўзбекистон	4,5	5	11	31,3	58	75	75,3	87,3	111,1	80,7	291,75	30	59,8	729,375
Фарғона	5	45	18,8	42,4	54	94,8	61,9	48,8	17,1	28,2	45	5,6	9,1	112,5
Данғара	46	12,6	61,3	289,5	92	113,9	114,6	342,8	426,2	524,4	1117,25	74,4	100,4	2793,125
Фурқат	0	4,2	77,4	106	236	278	285,6	360,1	400,4	158,6	1584,75	236,6	235,7	3961,875
Ёзёвон	1,8	18	47,8	52	209	520,3	488	966,2	1805,2	1693	5897,25	339,2	400,8	14743,125

Изоҳ: *) дастлабки маълумот.

Балиқчиликни ривожлантириш ва овланган балиқ миқдорини таҳлил қилар эканмиз, 2019 йил якунлари бўйича барча тўнфадаги хўжалиқларда 25234 тонна миқдорда балиқ овланиб, аввалги йилга нисбатан қарийб 4 баробарга ошган. Туманлар бўйича солиштирадиган бўлса, энг юқори кўрсаткич Ёзёвон туманига тўғри келади (5897 тонна), ундан кейинги ўринларда Бешариқ (4846 тонна), Бағдод (4577 тонна) туманлари жой олган.

Вилоят статистика бошқармаси Ахборот хизмати.

Фарғонани яёв кезганда

ГИЛОСЛИ ҚИШЛОҚ ҲАМ ҲАЁТСЕВАРЛИК ШАҚИ БОР. ЎЗБЕКИСТОН ТУМАНДАГИ МИЛЛАТ АДАБИЯТИГА ХУДОЙБЕРДИ ТЎХТАБОВДЕК НОЁБ ҚАЛАМ СОҲИБИНИ БЕРГАН БУ ЗАМИН ОДАМЛАРИ ҲАР ҚАНДАЙ ЮМУШГА ИЖОД-КОРОНА НИГОҲ БИЛАН ҚАРАШИ БЕЖИЗ ЭМАС.



Ахтачилик, галлачилик, боғдорчиликнинг устаси бўлиб кетган Катта тағобликлар, айниқса, гилос етиштиришда моҳир.

Аҳолининг 90 фоиздан зиёди ўз томорқасида гилосзор бoғ яратган. Гилоснинг "Самарқанд", "Тошкент" сингари серхосил навлари айнан Катта Тағобда пишиб-етилади. Россия, қўшни Қирғизистон давлатлари, шунингдек, республикамизнинг барча ҳудудларига гилосли қишлоқнинг дворуи кетган. Айтганча, қишлоқда етиштирилган бодом мевасининг ҳам бозори чаққон. Машрабжон Мамажоновнинг гулчилик соҳаси билан шугулланаётганига 15 йилдан ошди. Қора магия, папи-лон, салвидор, анжелика, президент сингари ўнлаб атиргул навлари, бербера, азалия, бенжамин, алэвэра, колеус каби манзарали ва хонаки гуллар кўчатлари Машрабжон отанинг гулзоридан парваришланади. Абдурубил Абдурахмоновнинг 17 сотихлик томорқаси ҳам чинакам барака майдонига ўхшайди. Унда помидор, бодрингдан тортиб, қалампир-у саримсоқлиёзгача гурқираб ўсади, мўл ҳосил беради. Мухаммаджон ота Мусабоев бошчилик қилаётган оиланинг катта-ю кичиги ҳам томорқа билан яхши тиллашадилар. Гилос, олма, ноқ, бодом каби мева кўчатлари етиштири-лаётган иссиқхона оиланинг қўшимча даромад манбаи, фаровон ҳаёти омили бўлиб турибди.

Катта тағоблик Насриддинхўжа Тўраҳўжаев ташкил этган темир дарвоза цехида бугун 20 турдан ортиқ маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Катта Тағоб тугул қўшни қишлоқларда ҳам хунарманд ясаган роботми, темир ай-вонми, ҳеч бўлмаганда, дараза панжараси ўрнатилмаган хонадонни топиш қийин.

— Ўтган йилларда қишлоғимиз ҳудудда "Турон экоцемент" ва "Модерн цемент" корхоналари ташкил этилди, — дейди узоқ йиллар қишлоқ аҳлига етакчилик қилган Ўринбой

ака Қобилов. — Корхоналар қисқа фурсат ичида 200-250 нафарга яқин ёшларимизни иш билан таъминлаш билан бирга аҳолининг тадбиркорлик лойиҳаларини бошлашга иштиёқини янада оширди.

Қишлоқ ёшларининг камоли ҳам ҳавас қилгулик. Ёш олим Одижон Собиров пойтахти азимда илм-фан чўққиларини забт этиш йўлида изланмоқда. Докторантнинг география йўналишида олиб бораётган тадқиқотлари унинг докторлик диссертациясига асос бўлаётир. Зай-ниддин Тўхтасинов футбол бўйича ёшлар терма жамоаси аъзоси. У ўз истиқболини ўзбек футболнинг келажагига кўришни орзу қилади. Ёш тадбиркор Гулзода Маҳмудова қишлоқда "Гулзода" номли 100 ўринли хусусий болалар боғчасини ташкил этди. Ташаббускор ёшнинг бу борадаги саъй-ҳаракатлари тенгдошларини ҳам бирдек руҳлантирмоқда.

Ҳа, қишлоқда ҳаёт қизгин. Бироқ, ай-рим муаммолар ҳам кўндаланг. Худудда ичимлик суви



Дилнавоз ҚўЛДОШЕВА. ШЕРЗОД ҚОРАБОВЕВ олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ ФАРҒОНА МИНТАҚАВИЙ ФИЛИАЛИ ҚУЙИДАГИ ВАКАНТ ЛАВОЗИМЛАРНИ ЭГАЛЛАШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ТАНЛОВ УЧУН КЕРАКЛИ ҲУЖУМАТЛАР РЎЙХАТИ:


1. Директор номига ариза.
2. Объективка.
3. Диплом ва илова (асл нуسخада).
4. Малака оширилганлиги тўғрисида маълумот.
5. Меҳнат дафтарчаси.
6. Паспорт (нусха).
7. Илмий ишлар рўйхати.

Танловга ҳужжатлар қабул қилиш муддати эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой.

Мурожаат учун манзил: Қўқон шаҳри, Моваруннаҳр кўчаси, 3-а уй. Филиал биноси, 2-қават, 8-хона.

Филиал кенгаши котибияти. Телефон: 543-46-30. (90-344-41-68)

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ, ЕРДАН ФЙДАЛАНУВЧИЛАР ВА АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!



"Ўзбектелеком" АК "Телекоммуникация транспорт тармоғи" филиалининг Иккинчи техник боғламаси Фарғона водийсида қарийб бир ярим миң километр узунликда замонавий оптик толали ер ости шаҳарлараро ва халқаро магистрал алоқа кабель линиялари ётқизирилиб, ишлаб турганлигини эслатиб ўтади.

Ҳозирги кунда Фарғона вилоятида телекоммуникация тармоқларини реконструкция қилиш ва ривожлантириш миллий дастурига мувофиқ тақомиллаштирилган алоқа ва замонавий рақамли узатиш тизимлари, "Тошкент-Фарғона водийси" деб номланувчи давлат аҳамиятига молик бўлган оптик толали шаҳарлараро ер ости магистрал алоқа кабель линиялари ҳамда "Косонсой (Ўзбекистон Республикаси чегараси)-Қизилқия (Қирғизистон Республикаси чегарасига)" деб номланувчи халқаро магистрал алоқа кабель линияси эксплуатация қилинмоқда. Ушбу кабель линиялари ва иншоотлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 майдаги 210-сонли қарори билан тасдиқланган "Телекоммуникация линиялари ва иншоотларини кўриқлаш қоидалари" билан ҳимояланади. Қоидаларни бузган барча юридик ва jisмоний шахслар жавобгарликка тортилиб, қонунчиликда белгиланган тартибда алоқа линияларига етказилган зарарни қоплашга мажбурдир.

Кабелнинг ҳар томонида 2 метр масофада унинг "ҳимоя зонаси" белгиланганлиги ва ушбу зонада телекоммуникация

эгаларининг руҳсатисиз қуйидаги ишларни амалга ошириш **ТАҚИҚЛАНАДИ**:
— иморат, пойдевор ва иншоотларни қуриш;
— механизм билан ер суриш ва ер қазиш ишларини бажариш;
— кўп йиллик дарахтларни ўтказиш;
— автотранспорт, трактор ва механизмлар учун ўтиш йўллари ва уларнинг тўхтаб қўйиш жойларини ташкил этиш;
— турли хил ахлат чиқиндиларини ташлаш, қислота ва туз ишқор эритмаларини тўкиш;

— кабель линияси ўтганлигини билдирувчи огоҳлантириш белгиларини ва иншоотлари жойини ўзгартириш, суриш, синдириш ва кўмиб ташлаш.
Кабелнинг ҳимоя зонаси ва унинг яқинида ҳар қандай турдаги ер қазиш ишларини олиб боришдан олдин телекоммуникация эгалари билан келиши, улардан техник шартларини олишиб, кабель хизматидан вакил сўрашни ва унинг назорати остида иш бажаришни, шунингдек кабель линияси ўтганлигини билдирувчи устунлар ва пештахталарга эътибор қаратишни **УНУТМАНГ!**

Ер қазиш ишларини бажаришдан олдин мурожаат қилиш учун **«Ишонч телефони» рақами: "1133" кеча-кундуз давомида мурожаат қилишингиз мумкин.**

"Ўзбектелеком" АК "Телекоммуникация транспорт тармоғи" филиалининг иккинчи техник боғламаси: Фарғона вилояти, Қўқон шаҳри, Янги Чорсу кўчаси, 264-уй.

Бош муҳандис ўринбосари Ибрагимов Ҳабибжон телефони: +998 99 365-03-84.

Телефон: 0-373-554-19-19 (соат 08.00 дан 17.00 гача).

1-кабель участкаси: Фарғона вилояти, Янгиқўрғон шаҳри, Чустий кўчаси, 1-уй.

1-кабель бўлими бошлиғи Эрматов Умитжон телефони: 99-996-03-95.

Хизмат телефони: 0-373-529-24-55 (соат 08.00 дан 17.00 гача).

2-кабель участкаси: Фарғона вилояти, Бешариқ шаҳри, Сирдарё кўчаси, 9-уй.

2-кабель бўлими бошлиғи Асқаров Шавкатжон телефони: 0-599-365-03-44.

Хизмат телефони: 0-373-612-23-66 (соат 08.00 дан 17.00 гача).

"Ўзбектелеком" АК "Телекоммуникация транспорт тармоғи" филиали иккинчи техник боғламаси.

ЭЪЛОН ва БИЛДИРУВЛАР

Фарғона вилояти Адлия бошқармаси томонидан 2019 йил 8 январь куни Ахмадалиев Мансуржон Темирович номига берилган 167-рақамли адвокатлик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.
Фарғона давлат университетини 2007 йилда тамомлаган Умарова Назоқат Иномжоновна номига берилган В 337419 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.
Олтиариқ тумани 4-ўрта таълим мактабини 2008-2009 ўқув йилида тамомлаган Юрсунбоева Мухтасархон Абдура-сул қизи номига берилган У 3614541 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.
Фарғона нефть ва газ саноати касб-хунар коллежини 2015 йилда тамомлаган Мухитидинов Камолитдин Тўлқин ўғли номига берилган К 3911763 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.
Фарғона шаҳар, Тарона кўчаси, 16-уйда жойлашган "FAR SHODIYONA GUZARI" масъулияти чекланган жамияти номи-га берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.
Фарғона шаҳар Алишер Навоий кўчаси, 81-уйда жой-лашган "FAR MADINA INVEST" хусусий корхонаси номига берилган «Меркурий 115 Ф» русумли, завод рақамлари 893016, 893018, 1223119, 1223243 бўлган касса аппаратла-ри йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.
Фарғона шаҳар, Алишер Навоий кўчасида жойлашган "FAR TIMUR ALOQA" хусусий корхонаси номига берилган «Мер-курий 115 Ф» русумли завод рақамлари 897458, 862052, 850770 бўлган касса аппаратлари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

КАБЕЛЬ

Кабель муҳофазаси масофаси 2 метр

ЕР ИШЛАРИНИ ОЛИБ БОРИШ ТАҚИҚЛАНАДИ

Манзил: тел:

Фарғона давлат университети қошидаги 11-сонли лицей-интернати (ҳозирги Фарғона давлат университети академик лицейи)ни 2000 йил-да тамомлаган Ҳакимов Азизбек Мухаммадов номига берилган О'Р-А 913281 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Фарғона шаҳар 1-кечки каттагар ўқитиш мар-казини 2006 йилда тамомлаган Холматов Ҳаётжон Хошимжонович номига берилган О'Р-Ш 0509537 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Олтиариқ тумани 9-ўрта таълим мактабини 2001-2002-ўқув йилида тамомлаган Химидинова (Эргашева) Шохи-дахон Шахобовна номига берилган О'Р-А 1233730 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Фарғона политехника институти раҳбарияти "ЕнгиЛ са-ноат технологиялари" кафедраси мудири Дилмурод Гулям Набижоновичга онаси
ОЙШАХОН АЯНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Суд оқлов ҳукми чиқарди

АДОЛАТ ҚАРОР ТОПИШИГА ИШОНИБ ЯШАДИМ

Бу ҳаётда ҳамма тинч-хотиржам яшашни истайди. Бироқ ҳаёт шунчалик мураккаб, баъзан киши айбсиз айбдор бўлиб қолиши ҳам ҳеч гап эмас. Бунинг оқибатида эса, ҳар қандай одам кўп савдоларни бошидан кечиршига мажбур бўлади.

Узбекистон туманилик Мунтазамхон ҳамда акиси Сайдали Мухторов адолатсизликка учради. Бу тадбиркорларга ноҳақ айб қўйилиб, бир неча йиллар унинг азобини тортиш осон бўлмади. Ва ниҳоят адолат қарор топди.

оғир. У барибир ҳақиқат қарор топишига ишонарди. Шундай ҳам бўлди. Суд ҳар бир ҳолатга эътибор қаратди, судланганлар томонидан фирибгарлик содир этилмаганлиги маълум бўлди.

Иш ҳужжатларига қараганда М. Мухторова ва акиси С. Мухторов жабрланган Э. Турсунов билан унга тегишли хусусий корхонани 75 миллион сўмга сотиб олишга келишган бўлиб, пулларнинг бир қисmini бериб, ўз зиммасига олган мажбуриятни жинойи жавабгарликка тортилиб, мулкий ночор аҳволга тушиб қолгани учун бажара олманган. Бундай ҳолатда уларнинг ўртасидаги низони фуқаролик ёки иқтисодий суд иши юритиш тартибидан ҳал этиш лозим бўлади.

Мунтазамхон ва Сайдали Мухторовларга нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Ўзбекистон туман судининг 2019 йил 4 ноябрдаги ҳукми бекор қилинди. Жиноят иши тугатилиб, улар реабилитация қилинди.

Тадбиркорлик билан

шўғулланишни мақсад қилган ака-сингил фаолиятида учраган ноҳақлик кеч бўлсада, бартаараф этилди. Уларга нисбатан оқлов ҳукми эълон қилинди.

— Суд томонидан муурожаати-мизга ҳолисона эътибор берил-

адолат қўрғони бўлиб, оқлов ҳукмларини ҳам чиқаряпти. Келгусида бор билим, тажриба ва имкониятимизни тадбиркорликни ривожлантиришга сарф этамиз.

Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ.



ганидан хурсандимиз, — дейди Мунтазамхон. — Асосийси, адолат қарор топди. Бугун вазиат бутунлай ўзгарибди. Суд

Гап шундаки, ака-сингил суд томонидан ўзганинг кўп миқдордаги 75 миллион сўмлик мулкни ва мулкка бўлган ҳуқуқларини қўлга киритиб, фирибгарлик қилганлик, ҳужжатни қалбакилаштирганликда айбли деб топилган. Суд ҳукмига қўра иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда уч йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган.

М. Мухторова айбсизлигини исботлаш учун тинмай ҳаракат қилди. Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят судига кассация шикоятни ёзиб, оқлов ҳукмини чиқаришни сўради.

Баъзида шоша-шошарлик билан қабул қилинган қарор инсон ҳаётини бутунлай ўзгартириб юборди. Мунтазамхон тақдирини билан боғлиқ ишни кўриш жараёнида ҳам шундай бўлди. Далиллар етарли бўлмаса-да, унга ноҳақ айб қўйилди. Айбсиз айбдорга айланган бу қизнинг ўтган беш йил давомидаги қўрған-кечирганларини таърифлаш жуда

Судларда ошкоралик

Бугун давлат ва жамият ҳаётини оммавий ахборот воситаларисиз тасаввур қилиш қийин. Бош қомусисиз — Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эрши қилишига, ўзи истаган ахборотни излаш, олиши ҳамда уни тарқатиш ҳуқуқига эга эканлиги мустақамлаиб қўйилган.

Шу асосда "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги, "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги, "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги ҳамда бошқа бир қатор қонун ва қонунности ҳужжатлари оммавий ахборот воситалари фаолиятини эркин ва жадал ривожлантириш, ахборот оламининг ҳуқуқий асосларини яратишда улкан аҳамиятга эга. ОАВ вакиллари бугун ҳар бир соҳа фаолиятини ёритиш, ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини қуришга ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқда.

Суд мажлисига раислик қилувчининг руҳсати асосида жараёнда ОАВ вакиллари иштирок этишлари мумкин. Бунда уларга бир қатор ҳуқуқ ва мажбуриятлар бериллади.

Бугун интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали кўпала суд жараёнлари бевосита ёритилиб келинмоқда. Бу ҳолат мамлакатда суд ҳокимиятига бўлган ишончини оширади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 11-моддасига биноан, барча судлар қатори иқтисодий судларда ҳам ишлар муҳокамаси ошқорла ўтказилади. Давлат ва тижорат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирини сақлаш зарур бўлган тақдирда ишнинг ёпиқ суд мажлисида эшитишга йўл қўйилади. Ёпиқ суд мажлисида видеоқонференцалоқа режимида эшитишга йўл қўйилмайди, аудио ва видео-ёзувлар амалга оширилмайди.

Суднинг ҳал қилув қарори барча ҳолларда ошқорла ўқиб эшиттирилади. Қонуний қўра қирган суд ҳужжатлари суднинг расмий веб-сайтида тароқларнинг розилиги билан ёки шахси кўрсатилмаган тарзда эълон қилинади, бундан суднинг ёпиқ мажлисида қабул қилинган ҳужжатлар мустасно. Қайд этиш жоизки, EXSUD.UZ сайти иқтисодий судлар томонидан қўрилган ишлари ёритиб боради.

Иқтисодий судларда журналист, блогер, мухбирларнинг иштироки аввалгига нисбатан бир мунча жадаллашган. Интернет манбаларда "Фалончи тадбиркорнинг муаммоси ҳал бўлди", "Ҳокимият қарори бекор бўлди" сарлавҳали мақолаларга кўзимиз тез-тез тушиб қолади. Бундай ахборотлар бундан 4,5 йил аввал деярли кўринмас эди.

Бугун давлатимиз томонидан ОАВга яратилаётган кенг имконият ва шароитлар тахсинга сазовор. Бунга жавобан улар ўз фаолиятларида халқчил, шаффоф ва холис бўлишса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Сардорбек АҲМАДЖОНОВ, Фарғона туманлараро иқтисодий суди судья ёрданчиси.

«АНЖИРНИ КИМ ҚАЙТА ИШЛАЙДИ?»

Ўқувчиларимизнинг «Фарғона ҳақиқати» газетасида юқорида келтирилган сарлавҳа остида жудаям долзарб ҳамда муаммоли масала қўтарилган. Ҳар бир юртнинг ўзига хос ва унинг шўхратини кўтарадиган жиҳатлари бўлади. Оққўрғон ва анжир сўзларини айро тўшуниш қийин. Қадимдан Бувайда туманидаги Оққўрғон қишлоғи ўзининг анжирлари билан машҳур бўлиб келган. Эҳтимол, бу юрт деҳқонларининг сохиборлиги билан боғлиқдир. Оққўрғон тупроғи халқ тилида айтгандак, анжирни "суяр".

Сўнги йилларда Оққўрғонда анжирчилик "таназзулга юз тутган" ҳақидаги айрим сабабларда жон бордир.

Йигирманчи асрнинг бошларида яшаб ижод қилган шоир Абдуллажон Насимийнинг машҳур "Фарғона" газелида:

«Ки, Оққўрғон деган кон, анжирин шарбатлари оққан» деган байтлар бор.

Утган асрнинг саксонинчи йилларида Бутуниттифоқ марказий телевидениеси бююртмаси билан айнан Оққўрғон анжирлари ҳақида қисқа метражли фильм олинганлигини ҳамма билади. Оққўрғон яна бир жиҳати билан қадрлики, устоз адиб, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор болалигининг кўп қисми шу жойда ўтган ва Мухаммадҷон қори домла қўлларида таҳсил олган. Ўзбек қизиқчилик санъатининг яловбардори, устоз санъаткор Мухиддин Дарвишев шу қишлоқда туғилиб, бир умр яшаб ўтганлиги ҳам юрт машҳурлигига далолатдир.

Хуллас, Оққўрғон ва унинг шўхратини оширган анжир боғларини тиклаш ҳақида ўйлаш ҳамда амалий тадбирларни амалга ошириш шу куннинг муҳим масалаларидан.

Собиржон ОТАБОВ, Бувайда тумани, фахрий журналисти.

МУАССИС: ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош мухаррир: Мухаммадҷон ОБИДОВ

Офсет усулида А-2 форматда (4 бет) чоп этилди. 2007 йил 9 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Фарғона вилоят бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган.

Газета тахририятига юборилган қўлаёзма ва суратлар қайтариламайди.

Газета чоршанба ва шанба кунлари чиқади.

НАРХИ ҚАНЧА МЕХРНИ, АЙТИНГ?

Тахририятга бир таниқли инсон кириб келди. Тўрт-беш йил илгари ҳам забти билан ҳаммани ўзига қаратадиган одам бу сафар анча чўкибди. Заъфарон юзларидаги синиқлик ўтган умрнинг надоматларига ўхшайди. Унинг руҳан ва жисмонан забун ҳолатини кўриб, кўнглим алланечук бўлиб кетди.

Маҳалла фаоллари бир ёқадан бош чиқариб қарияни йўқлаб киришибди. Умр бўйи меҳнат қилиб, болаларини гард юктирмай ўстирган одам қандли диабет хасталигига чалинган эди, вақтида тамалди қилмагани учун аҳоли ёмонлашиб, ўйда титраб-қақшаб ётган экан. Дастурхонда эса қотган нондан бўлак ҳеч нарса йўқ. Қўшнилardan бири уйига кириб, иссиқ шўрва олиб чиқиб ичирибди. Кимдир иссиқ чой дамлабди. У ёқ-бу ёқни йиғиштирган бўлишибди. Бир пайт ховли тўрисидаги ўйдан башлан кийинган келини чиқиб келибди. Маҳалла вакиллари оилавий ҳаётимизга аралашманглар, дея уларнинг таширфлари малол келганини билдирибди. Боз устига қайинотанинг инжиқлиғи-ю хонасини ивирситиб юбориши ва яна бошқа қўсурлардан шикоят қилибди. Нодон келинга ҳеч ким гап ўқтира олмабди.

Кимдир ота-онани тириклик чоғида ҳурматини жойига қўймаганидан надомат чекади, кимдир табарруқлари ҳаёт бўла туриб, уларнинг қадрига етмайди. Лекин бу надомат, бу меҳрсизлик бир кун келиб юракка оғир тош бўлиб тушиши мумкинлигини ҳам билишмайди.

Биз гоҳида ўта маийши ва майда санаган муаммо миллият характерини ва қиёфасига пўтур етказатгани, меҳр-оқибат ришталари шафқатсизларча бўзиб ташланаётганини баъзи инсонлар ҳаётда кузатиб, беихтиёр фарёд уриб юборасан.

Довруғи бутун юртга танилган ишбилармонлардан бири вафот этди. Билишимизча, бир неча йил аввал ўғли унинг хусусий корхонаси ва уй-жойи, бутун мол-мулкни ўзининг номига расмийлаштириб олган экан. Отасига корхона ишчилари қаторида ойлик маоши тўларкан. Баъзида ўғлидан кам-қўсти, ҳаржатарлари учун пул сўракан. Бояқийшинг оилада оталик мақоми ҳам қолмаган, қўпична корхонанинг бўш хонасида тунаб қоларкан.

Сиртдан қараганда тўқис ва бахтли оила соҳиби армонларини ичига ютиб кетди. Ортидан қолган зурёдлари эса худбинлик байроқларини кўтарганларича, бойлик ортидан қувиб юришибди.

Умрида бировнинг қаршида кўзи ёшланмаган одам дафъатан йиғлаб юборди. Овозлари титраб, сузида тутилиб нимадир демоқчи бўлди. Кейин болалари — нуридийдаларини илоҳим, ортида қолишсин, ҳам ўршишсин, дея ҳазин дуо қилди. Бу меҳрга харидор отанинг нидоси эди. Ҳа, орамыда меҳрга харидорлар бор!

Нархи қанча меҳрни, айтинг?!
Маъмура АБДУРАҲИМОВА.

Ўсмирлар чемпионати якунланди

Фарғонада республикада биринчи бўлиб «Спорт мактаблари футбол лигаси» ўйинлари якунланди.

Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари тарбияланувчилари ўртасидаги мусобақалар карантин талабларига қатъий риоя қилинган ҳолда ташкил этилди. Аънавий чемпионатда 77 та жамоа таркибида 6 ёш тоифасидаги 1529 нафар ўсмирлар иштирок этди. Футбол ўйнашни соғинган ёшлар ҳар бир ўйинга жиддий тайёргарлик қўришгани кескин ва муросасиз беллашуларда сезилиб турди. Айнқиса, Марғилон шаҳар 1-БЎСМ ва 2-БЎСМ тарбиянувчилари турнирда яққол пешқадамлик қилиб, 2006, 2007, 2008 йиллар-да тўғилган ўсмирлар ўртасида голиб бўлишди. Қўкон шаҳар 2-БЎСМ, Фарғона шаҳар 1-БЎСМ, Ўзбекистон тумани ёшлари жамоалари ҳам виллоят чемпионлигини қўлга киритиб, республика босқичига йўллана олди.

Ғолиб жамоалар ва фаол ўйинчилар ташкилотчилар томонидан диплом, эсдалик совғалари билан рағбатлантирилди.

Алишер РОЗИҚОВ.

Бизнинг манзил: 150114, Фарғона шаҳри, Сохибқирон Темура кўчаси, 28-уй. Бош мухаррир қабулхонаси: (факс) 73-226-02-70. Бош мухаррир ўринбосари: (факс) 73-226-37-80. Реклама ва эълонлар: 73-226-71-24.

Сахифаловчи Алишер Розиков.

ISSN 2010-6370

Газета сифати учун босмахона масъул.